



## XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94, (76) 221-74-81

2021 йил «15» июнь

VI-29-6-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

**Вилоят соғлиқни сақлаш тизимида врач кадрлар таъминотидаги мавжуд муаммолар ва истиқболли режалар ҳамда вилоят аҳолисини биринчи ёрдам воситалари билан таъминлаш мақсадида биринчи ёрдам дори-дармон воситалари ва тиббий буюмлар учун ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш учун ушбу маблағларни марказлаштириш тўғрисида**

Инсон саломатлигини муҳофаза қилиш, касалликларни эрта аниқлаш, беморларни диагностика стандартлари асосида даволашда шифокорлар билан қамраб олишда врач кадрларнинг таъминоти муҳим ўрин эгаллаши тўғрисида вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи К.Абдивоҳидовнинг ҳисоботини инобатга олиб, халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши **қарор қилади:**

1. Вилоят соғлиқни сақлаш тизимида врач кадрлар таъминотидаги мавжуд муаммолар ва истиқболли режалар ҳамда вилоят аҳолисини биринчи ёрдам воситалари билан таъминлаш мақсадида биринчи ёрдам дори-дармон воситалари ва тиббий буюмлар учун ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш учун ушбу маблағларни марказлаштириш тўғрисида вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи К.Абдивоҳидовнинг берган ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоят ҳокимлиги (А.Хидиров, И.Сапаров), вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (К.Абдивоҳидов) Тошкент тиббиёт Академияси Термиз филиалида талабаларнинг узлуксиз таълимини таъминлаш, олган билимларини амалиётга боғлашда ўқув базасини яратиш мақсадида вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази негизида турли йўналишдаги клиник ўринларга эга бўлган ўқув-клиник база қуриш ҳамда Тошкент тиббиёт Академияси Термиз филиали ҳудудида лаборатория ва стимулацион марказ қуриш учун 1 (бир) ой муддатда таклиф ишлаб чиқсин.

3. Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (К.Абдивоҳидов) шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда шаҳар ва туманлар тиббиёт бирлашмаларида фаолият юритаётган шифокорларни олис ва чекка ҳудудларга жалб қилиш, уларнинг яшаш, ишлаш ва ойлик маошларини яхшилаш бўйича таклиф ишлаб чиқсин ва халқ депутатлари вилоят Кенгашига 1 (бир) ой муддатда таклиф киритсин.

4. Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (К.Абдивоҳидов), аҳолининг саломатлик ҳолатини аниқлаш ва уларда юзага келиши мумкин бўлган касалликлар хавф омилини аниқлаш ҳамда мавжуд бўлган касалликларни яна бир бор хатловдан ўтказиш юзасидан олиб борилган ишлар тўғрисида халқ депутатлари вилоят Кенгашига 1 (бир) ой муддатда маълумот киритсин.

5. Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (К.Абдивоҳидов), Халқ таълими бошқармаси (С.Ҳамидова), вилоят Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси (Р.Саломова) кадрларга бўлган эҳтиёжни қоплашда ёшларнинг тиббиёт олийгоҳларида таҳсил олишини жорий йилнинг июнь-июль ойларида тарғибот тадбирларини ташкил этсин ва тадбирлар натижаси бўйича халқ депутатлари вилоят Кенгашига ахборот киритсин.

6. Вилоят ҳокимлиги (Ф.Маманов, И.Сапаров), вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (К.Абдивоҳидов) узоқ ҳудудларга ишлаш учун борган мутахассисларнинг шу ҳудудда қолиб ишлаши ва яшаши учун уларга шароитлар яратиб берсин ва амалий ишлар бўйича халқ депутатлари вилоят Кенгашига 2021 йил 1 сентябрга қадар ахборот киритсин.

7. Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (К.Абдивоҳидов):

Жорий йил 15 июнга қадар:

а) тиббиёт ходимлари, жумладан, врачларнинг хорижий клиникаларда касбий маҳоратини ошириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва вилоят ҳокимлигига;

б) республика клиникаларида даволанишга муҳтож бўлган вилоятдаги беморлар учун ихтисослаштирилган тиббий хизматни яхшилаш мақсадида қўшимча имтиёзли йўлланмалар ажратилиши бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига;

в) вилоятда тез тиббий ёрдам хизматларини кўрсатувчи нодавлат тиббиёт ташкилотларини шакллантириш ва уларга тегишли шарт-шароитлар яратиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва вилоят ҳокимлигига асосланган тақлифлар киритсин;

г) Республикада мавжуд олий таълим муассасаларининг тиббиёт йўналишида таълим олаётган талабаларни вилоятдаги мавжуд вакант ўринларга жалб этиш мақсадида уларнинг рўйхатини олий таълим муассасалари кесимида шакллантирсин ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгаши билан ҳамкорликда Тиббиёт Академиялари ва ҳудудлардаги филиалларида учрашувлар ташкил этсин ҳамда амалга оширилган ишлар юзасидан 2021 йил 1 июлга қадар халқ депутатлари вилоят Кенгашига ахборот тақдим этсин.

8. Вилоят, шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетидан маблағ билан таъминланадиган соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий йил учун биринчи ёрдам дори-дармон воситалари ва тиббий буюмларини харид қилиш учун ажратилган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси 147-моддасига асосан 1-иловага мувофиқ вилоят бюджетига марказлаштирилсин.

9. Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (К.Абдивоҳидов) марказлаштирилган маблағлар вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан сифатли ва арзон биринчи

ёрдам воситалари билан таъминлаш мақсадида биринчи ёрдам дори-дармон воситалари ва тиббий буюмлар харид қилиш ҳамда тиббиёт муассасаларига белгиланган тартибда ва муддатда етказилишини таъминласин.

10. Халқ депутатлари вилоят, туманлар ва шаҳар Кенгашларининг депутатларига ўзлари сайланган ҳудудда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, дори воситалари таъминоти ҳамда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини доимий мониторинг қилиб бориш, оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари мудирларининг ҳисоботларини тегишли доимий комиссияларда эшитиш жараёнларида фаол иштирок этиш тавсия этилсин.

11. Вилоят телерадиокомпанияси (Б.Мингбоев), “Сурхон тонги” ва “Заря Сурхана” газеталари бирлашган таҳририяти (С.Норқобилов)ларга юртимизда тиббиётни ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган тадбирларни кенг ёритиш мақсадида соғлиқни сақлаш тизимидаги мансабдор шахслар иштироқида давра суҳбатлари ва тўғридан-тўғри мулоқотлар ташкил этиш тавсия этилсин.

12. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ш.Холлиева) зиммасига юклансин.

13. Ушбу қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

**Кенгаш раиси**



**Bobolov T.A.**